

## МЕТАБОЛИК СИНДРОМ ФОНИДА АЁЛЛАРДА ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИ

*Ходжиева Дилбар Тажиевна  
Тешаева Малика Қахрамоновна*

**Аннотация** Мазкур илмий иш метаболик синдром фонида аёлларда кузатиладиган ишемик инсултнинг клиник-патогенетик хусусиятлари ва уни ривожланишининг асосий хавф омилларини ўрганишга бағишланган. Тадқиқот давомида 45 дан 65 ёшгача бўлган 250 нафар метаболик синдромга эга аёллар кузатув остига олинди. Тадқиқот методикаси анамнез тўплаш, клиник-лаборатор текширувларни ўтказиш, шунингдек, қоннинг глюкоза ва липид спектрини баҳолашни ўз ичига олди. Натижалар шуни кўрсатдики, метаболик синдромга эга аёлларда ишемик инсулт ривожланиш хавфи анча юқори, айниқса артериал гипертензия, глюкозага толерантлик бузилиши, юқори триглицеридлар даражаси ва паст ЛПВП-холестерин кўрсаткичлари мавжудлигида. Шундай қилиб, метаболик синдромни эрта диагностика қилиш ва уни бошқариш аёлларда ишемик инсулт ривожланиш хавфини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Иш сердечно-сосудист касалликларнинг олдини олишда турмуш тарзини коррекция қилиш, диета ва дори-дармонлар билан даволашни ўз ичига олган комплекс ёндашувнинг аҳамиятини таъкидлайди.

**Калит сўзлар:** ишемик инсулт, метаболик синдром, аёллар, хавф омиллари, артериал гипертензия, углеводлар алмашинувининг бузилиши, дислипидемия, профилактика, клиник-патогенетик хусусиятлар

### **Кириш**

Ишемик инсулт – бу миянинг қон айланишининг кескин бузилиши натижасида юзага келадиган жиддий касаллик бўлиб, у глобал миқёсда инвалидлик ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимлари учун ишемик инсултнинг олдини олиш ва уни даволаш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади, чунки бу касаллик инсоннинг сифатли ҳаёт кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Метаболик синдром - бу юқори қон босими, ортиқча вазн, юқори қондаги шакар ва ёғлар миқдори каби омилларни ўз ичига олган касалликлар комплекси бўлиб, у сердечно-сосудист касалликларнинг ривожланиш хавфини оширади. Метаболик синдромга эга бўлган шахсларда ишемик инсултнинг ривожланиши хавфи анча юқори бўлиши мумкин, бу эса мазкур ҳолатни ўрганишни ва унга қарши самарали профилактика чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Аёлларда метаболик синдромнинг ишемик инсултга таъсири эркакларга қараганда фарқли бўлиши мумкин, бу гормонал фарқлар, турмуш тарзи ва

биологик хусусиятлар билан боғлиқ. Шунинг учун, аёлларда метаболик синдром фонида ишемик инсультнинг ривожланиши механизмларини ва унинг клиник-патогенетик хусусиятларини чуқур ўрганиш, шунингдек, хавф омилларини аниқлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади метаболик синдром фонида аёлларда ишемик инсультнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ва хавф омилларини ўрганиш орқали бу касалликнинг олдини олиш ва самарали даволаш йўллари топишга қаратилган.

### ***Мақсад***

Ушбу тадқиқотнинг мақсади метаболик синдром фонида аёлларда кузатиладиган ишемик инсультнинг клиник-патогенетик хусусиятларини аниқлаш ва унинг ривожланишининг асосий хавф омилларини баҳолашдан иборат.

### ***Материал ва методлар***

Тадқиқот 45 дан 65 ёшгача бўлган 250 нафар метаболик синдромга эга аёллар орасида олиб борилди. Маълумотларни йиғиш учун анамнез йиғиш, клиник ва лаборатор текширувлар, шу жумладан, қоннинг глюкоза ва липидлар профилининг батафсил анализи, артериал босимни ўлчаш каби методлардан фойдаланилди.

### ***Натижалар***

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, метаболик синдромга эга аёллар орасида ишемик инсульт ривожланиш хавфи нисбатан юқори, айниқса, артериал гипертензия, глюкозага толерантлик бузилиши, юқори триглицеридлар даражаси ва паст ЛПВП-холестерин кўрсаткичлари каби омиллар таъсири остида.

### ***Хулоса***

Метаболик синдром билан боғлиқ ишемик инсультнинг ривожланишида муайян клиник ва патогенетик хусусиятлар мавжуд бўлиб, булар аёлларда касалликнинг олдини олиш ва уни даволаш стратегияларини ишлаб чиқишда инобатга олиниши лозим. Тадқиқотнинг асосий натижалари аёлларда метаболик синдромнинг эрта диагностикаси ва самарали бошқаруви, шунингдек, сердечно-сосудист касалликларнинг олдини олиш учун комплекс ёндашувларни қўллаш заруратини таъкидлайди.